




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМЎИЯТИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 19 июль жума
Сотувда эркин нархда
№ 149 (2977)

Олдимизда турган улкан муаммоларни ечиши, ўз муддаола-римизга эришиши, аввало, биз, раҳбарлар ва масъумиятли лавозимларда ўтирган киши-лардан биринчи галда одамла-римизнинг ташвиши ва инти-лишлари билан яшашни, улар-ни ўз юракларимиздан ўтка-зишни, буюк ва эзгу мақсадла-римизга етишиши учун ўзини аямасликни талаб қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШИ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМIZ МЕЗОНИГА АЙЛАНДИ



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда исчилик билан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ўтган давр мобайнида барча соҳаларда эришилган самаралар, иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, галлачиликдаги мисли қўрилмаган ютуқлар ҳақида гапирди. Мамлакатимизга хориз инвестициясини янада кенг-роқ жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни бундан-дала ривожлантириш масалалари ҳақида алоҳида тўхтади. Шу билан бирга, олдинда турган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Олти ой ичида мамлакатимизда янги ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,2 фоизга, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши 7,2, истеъмол товарлари 11,5, янги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари 4,5 фоизга кўпайди. Чакана товар айлиниши 8,3, пуллик хизматлар эса 12,7 фоизга ошди.

Ушбу рақамлар мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жадал давом этаётганини яққол кўрсатиб турди.

Бу йил мамлакатимизда

Президент Ислам Каримовнинг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Ҳар бир йилнинг бошида ва йил ўртасида Вазирлар Маҳкамасининг мана шундай кенгайтирилган мажлисларида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муайян даври, хусусан, ўтган бир йил ва олтинчи ойлик якунларини муҳокама этиш биз учун дол-дими аниғанага айланб қол-ди.

Бугун 2002 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётимиз ривожланишининг якуни ҳақида гапир эканмиз, иқтисодиётимизнинг умумий аҳолини, юзга келган ижобий ва салбий ҳолатларни қайд этиш билан чекланиб қолмасдан, биринчи галда бу соҳадаги ишларимизнинг ҳозирги ҳолатига принципал баҳо беришимиз, мамлакатимизнинг иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан исчилик ва жалал ривожланишига салбий таъсир қўраётган асосий сабаблар, ғов-ғусиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга бор куч ва эътиборимизни қаратишимиз, аввало, олиб бораётган ислохотларимизнинг самарасини ошириш ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Шу нуқтага назардан қараганда, мен Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил бошидаги 2001 йил якунларида бағишланган мажлиси бағишига яна бир бор мурожаат этиб, унда шу йил учун белгиланган вазифалар ҳоқимликлар, мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан қандай бажарилаётганига баҳо бераёқ, ҳар томонлама тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Келинг, 2002 йилнинг биринчи ярмида эришилган микдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Мен мана шу ўтган давр мобайнида мамлакатимизда янги ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,2 фоизга, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши 7,2, истеъмол товарлари 11,5, янги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари 4,5 фоизга кўпайганини алоҳида таъкидлашни истариман.

Шу даврда чакана товар айлиниши 8,3, пуллик хизматлар ҳажми эса 12,7 фоизга ошди. Ҳар қайси давлат та-раққийнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган таш-қиқ савдо айланмасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Мамлакатимизнинг молиявий тизими мустаҳкамланмоқда. Хусусан, жорий йилда бюджетнинг даромад келтириши белгиланган деврида барча манбалари бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилди. Бу эса, бюджетнинг ҳаражатлар қисмини яна бир бор таққийли баҳолаган ҳолда, муҳим иқ-тисодий аҳамиятга эга бўлган йилда бюджет маълум қўлда тутилган бюджет маълумларини тўғри ақтариш, бюджет ташқиқлотлари ҳодимлари-нинг ойлик маошлари, пенсиялар, стипендиялар, иқ-тисодий ердан пуллари микдорини кўпайтириши, шунинг-дек, иқтисодиётимизга инвестициялар киритиш учун қўшимча маблағлар излаб то-пиш имконини берди.

Айни вақтда бюджет тақ-қийлини янги ички маҳсулот-га нисбатан прогноз бўйича 2 фоиз қўлда тутилган ҳолда, атиги 0,8 фоизни ташқиқ этди.

Айниқса, ўтказилаётган қатий пул-кредит сиёсати натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида нақд пул эмиссиясини кескин қисқартириш, уларни муомаладан қайтариб олиш борасида эришилган натижалар диққатга سازовордир.

Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида қўлда тутилгандек, эмиссия даражаси 4,4 фоиз урнига 2,1 фоиз-ни, йилнинг иккинчи чора-гида эса бу кўрсаткич 2,2 фоиз урнига 0,6 фоизни ташқиқ этди.

Луқда қилиб айтганда, биринчи ярим йиллик давоми-да эмиссия натижаларида қўра 50 миллиард сўздан зиёд пул иқтисод қилинди, 15,2 мил-лиард сўм нақд пул эса муо-маладан қўшимча равишда

қайтариб олинди. Ўтказилаётган бундай пул-кредит сиёсати туфайли ой-лик инфляция даражаси, яъни, нарх қимматлашуви 2001 йилдаги 1,5 фоиз урни-га ўртача 1,1 фоизни ташқиқ этди.

Бундай ҳол, ўз навбатида, миллий валютанинг бели-ни анча бақувват қилишига хизмат қилмоқда.

Шу борада сизларнинг эътиборингизни йил бошидан бери қўрилаётган ўта муҳим таъбирларга жалб қилмоқчи-ман. Ўтган давр мобайнида таш-қиқ иқтисодий фаолият ва ва-люта сиёсатини эркинлашти-риш бўйича амалга ошираётган ишларимиз, ягона тўлов во-ситаси бўлиши миллий ва-лютаимиз сўмининг мақе-нини ошириши, нақд хоризий валюталар бозорини, умуман валюта бозорини мустаҳкам-лаш ва кенгайтиришда катта имкониятлар очиб бермоқда.

Бундай сиёсатни кенг қўламда давом эттириш, яъни, валюта бозорини янада эркинлаштириш билан боғлиқ ишларни исчилик олиб бориб, пировард натижаларга эри-шиш бугунги кундаги энг му-ҳим ва долзарб вазифалари-миз қаторига қўтарилимоқда. Бу масалада Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат со-лик ва Божхона қўмиталари алоҳида маъсулият қўлади.

Ҳурматли аъзолар! Бизнинг кичик ва ўрта биз-нес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нечоғли кат-та аҳамият бераётганимизни барчангиз яхши биласиз. Бу соҳанинг яқин йиллар ичида иқтисодиётимиз тарқибидан, ишсизлик муаммоларини ҳал этишда, ички бозоримизни товарлар ва хизматлар билан тўлдирishi, одамларнинг тур-муш даражасини яхшилашда қандай ўрин тутиши зарурли-гини мен илгари ҳам кўп бор таъкидлаётган эдим.

Тадбиркорларнинг фаоли-ятини рағбатлантириш, қўлаб-қувватлаш, улар учун қўлай ҳўкуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратиб бериш масала-лари барча даражадаги раҳбар-ларнинг, биринчи галда, ҳўду-далик ҳўкуматлари ва бошқарув идораларини раҳбарларнинг до-имий диққат марказида тури-ши керак.

Шунинг айтиш жоизки, ке-йинги пайтда мамлакатимиз-да кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорлар-нинг фаолиятини анча қўлай-ди. Бунинг жорий йилнинг би-ринчи ярми мобайнида 26 минг 700 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес корхоналари таш-қиқ этилгани ҳам исботлай-ди.

Бу ўтган йилнинг шу дав-рига нисбатан 1,7 баробар кўп дерама қўлдирди. Бундай натижага эришишда кичик ва ўрта биз-нес корхоналарини рўйхатга олиш тартибларининг сези-ларли даражада соддалашти-рилгани, уларнинг фаолият қўратилиш шартларининг эркин-лаштирилгани муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кун ҳолатига қўра, мамлакатимизда фаолият қўраётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари сон 200 мингдан ошиб кетди, улардан 168 минг 600 тасини микро фирмалар ташқиқ этди.

Тадбиркорликни ривожлан-тириш ҳисобидан қўриб 200 минг янги иш ўринлари яра-тиди, бу эса мўлжалимиздан 1,5 баравар кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлар аж-ратилиши анча яхшиланди — ажратилган микрокредитлар ҳажми 2,5 баробарга кўпайиб, 18 миллиард сўминг ташқиқ этди. Ярим йил да-вомида 40,4 миллион АҚШ дол-лари микдоридан хоризий кредитлар ўзлаштирилди.

Ҳозир бу навбатда учун яна қўшимча равишда 270 миллион АҚШ долларини ҳаж-мидаги чет эл кредитлари ва грантларини жалб этиш бўй-ича чора-тадбирлар қўри-моқда.



айтганда, бир гектар ерга сарф-ланадиган сув ҳажми республи-ка бўйича ўрта ҳисобда 200 куб метрга қисқарди.

Сув билан таъминланиши яхшилаш ва сув ресурслари-дан оқилона фойдаланиш ту-файли жорий йилда ўтган йилга нисбатан 463 минг гек-тар кўп ер суғурилгани ҳам эътиборга молик.

Ҳўжалиқларга қаналлар, коллекторлар ва бошқа суғу-риш тармоқларини тўзалаш ва таъмирлаш юзасидан белги-ланган топшириқлар ҳам умуман бажарилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз-да ер ва сув ресурсларидан са-марали фойдаланиш бўйича 2010 йилгача муҳалланган Концепция — дастур ишлаб чиқилган. Уй-жой фонднинг газ ўлчаш ускуналарини билан таъмирлаш бўйича 2002-2004 йилларга мўлжалланган дастур ҳам қабул қилинган ва исчи-лик билан амалга оширилмоқ-да.

Айни вақтда, текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, жойлар-да сув ва ер фойдаланиш борасида амалдаги қўнунчи-ликни бузиш, шартнома маж-буриятларини бажармаслик, табиий ресурсларга ҳўжасиз-лик ва исрофчилик билан муносабатда бўлиш, улардан бошқа мақсадларга фойдала-ниш, электор қуввати тармоқ-ларига ўзбошимчилик билан уланб олиш, лимит интизо-сини бузиш каби ноимзо ҳўд-лар ҳамон учраб турибди.

Ўтган ярим йил мобай-нида мамлакатимиз бўйича "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғри-сида"ги Қўнунини бузганлик учун солинган жарималарнинг ҳажми бўйича, аввало, Қўра-қалпоғистон Республикаси, Андижон ва Самарқанд вило-ятлари ажралиб турди.

Шунингдек, Қўрақалпоғи-стон Республикасида, Фарғо-на, Тошкент, Жиззах, Самар-қанд ва Навоий вилоятларида ердан фойдаланишда қўнун-чиликни бузиш ҳўдлари ҳам мавжуд эканини таъсусуф бил-дан қайд этишга мажбурмиз.

Бундай мисолларни нефть маҳсулотлари ва табиий газ-дан фойдаланиш бўйича ҳам қўлаб келтириш мумкин. Ана шундай қўнунбузарликлар 1 миллиард 700 миллион сўм микдорига иқтисодий жазо чоралари қўрилган. Бу бора-даги 224 та иш эса ҳўкуқий муҳофаза қилиш идоралари ва суғурта ошнрилган.

Қишқарде, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида турар-жойларни газ ўлчаш, Қўрақал-поғистон Республикаси, Ан-дижон, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эса сув ўлчаш асбоблари билан таъмирлашда ҳам оқсоқликка йўл қўйилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг табиий, минерал-ҳомаш ва ёқилди-энергетика захирала-ридан тежамкорлик билан ва самарали фойдаланиш масала-лари бўйича маҳсул тузилган комиссия (К.Тўлағанов) бу масала юзасидан ҳўкумат қабул қилган қарорларнинг ижроси қандай бажарилаётганини яна бир марта таққийли нуқтага назардан қўриб чиқсин ва қабул қилинган чора-тадбир-лар тўғрисида Вазирлар Маҳ-камасининг навбатдаги йиғи-линида ҳисобот тайёрласин.

Али э дастур! Ҳозир кунда юртимизда галла ўрми ниҳонига етиб бормоқда. Бу йилги маҳсул-ни эши учун ниҳонда баракали, ниҳонда серҳосил бўлиб, де-

сан, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Жами галла ҳосили-миз 4,7 миллион тоннадан ошди. Мамлакатимизнинг су-ғурилганидан ерларга ўртача ҳосилдорлик гектарига 41,5 центнерни ташқиқ этди. Ай-ниқса, Андижон вилоятида рекорд натижага эришилди — ҳар гектар ердан 75 центнер-дан хирум қўтарилиди. На-манган вилоятида — 46, Фар-ғона вилоятида — 45, Самар-қанд вилоятида — 49 цент-нердан ҳосил олинди.

Миришкор деҳқонларимиз эришган мана шу мисли қўрилмаган галлага бугун юртимизда каттаю кичик — барча қўйил қўлмоқда, бу ҳақида фахру гуруру билан га-пирмоқда. Бу галла маҳсул-тига ўзбек халқининг нима-ларга қодир эканини ва ни-малардан фойдаланишга ҳақи-қат эканини яна бир бор намоён этмоқда. Лағзи ҳалол, мард ва танти деҳқонларимизнинг ғайрат-шижоати, олижаноб меҳнати билан ризқ-рўзимиз бўлиши бошқилик дои эшти-тиришда ана шундай улкан натижа қўлга киритилмоқда, том маънода мамлакатимиз-нинг галла мустақиллиги таъ-минланмоқда.

Бугун мен шу юксак мин-бардан туриб, барча раҳбар-ларимизга фидокорона меҳнат-ти, Ватан раванки йўлида амалга ошираётган эзгу иш-лари учун тулган халқимиз но-мидан, шахсан ўз номидан чўқур миннатдорлик изҳор этиш, самимий ташаккур бил-диришни бурчим, деб ўйлай-ман.

Бугун бу соҳада эришил-ган натижаларни сарҳисоб қилар эканмиз, биз олдимиз-га қўйган асосий стратегик ва-зифамиз — яъни, мамлакатим-из ва халқимизни ўз галла-миз, ўзинимизнинг номимиз билан таъминлашда тарийқ вази-фа мутафаккит билан бажарилишини эътироф эти-шимиз зарур.

Бу айни вақтда халқимиз фаровонлигини ошириш билан боғлиқ қўлаб муаммо-ларнинг ҳал қилишининг ягона йўлидир.

Табиийки, бу ҳақида гапир-ганда, бу улкан ютуқ замири-да нима этилди, деган савол туғилади. Бугун биз қўлда киритган бу юксак натижалар асосида энг аввало қишлоқ ҳаётини янгилаш, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга ошириш борасидаги ҳар томонлама чўқур ўйлан-ган сиёсат мумкин, десаю, ўйлайманки, қўнунчилик бу фикрга қўйилди.

Шуни аниқ айтиш мум-кинки, бугунги кунда бепоян-далаларда ризқ-рўз ундир-яган деҳқон ва фермерларнинг фикри-экири ўзгармоқда, уларнинг ерга, меҳнатга ни-мосабити, умуман дунёқараши ўзгармоқда. Улар биринчи навбатда ерининг ҳақиқий эга-синга, мўлқдор сифатида ўз меҳнати ва етиштирган маҳ-сулотининг эгасига айланмоқ-да. Қишлоқ жойларга юз бе-ламлиқ юзғаришларнинг ас-л маъно-моҳияти ҳам ана шун-да, деб айтсак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан биз, ҳаммамиз эски замондан сақ-ланиб келаятган бир қўлаб-ла, айтилган, "Фалон туман-нинг деҳқонлари ва ҳўжалиқ-лари галла етиштириш бўй-ича давлат режисини муваффа-қият билан адо этди" — мам-лакат оморборлари мана бун-ча тонна галла топшириди" қўлаблагини сиққис қичиб кет-

ган ифодалардан воз кечиши-миз зарур.

Ҳозирги кунда давлат, қишлоқ ҳўжалиги корхонаси ва деҳқон, фермерлар ўртаси-да муносабатлар фақат шарт-нома асосига қўрилмоқда ва қўрилиш шарт. Маълумки, шартноманинг исхи тури бор. Биринчиси — давлат билан ҳўжалик ўртасида давлат эҳтиёжларини учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини муай-ян микдорда сотиб олиш тўғрисидаги контрактация шартномаси. Шартнома муно-сабатларининг исхики шак-ли эса — бу ширкат ҳўжали-гининг оилавий пудратчи ва фермер билан тузданган шарт-номасидир.

Биринчи турдаги шартно-ма асосида бир томондан дав-лат, иккинчи томондан ҳўжа-лик маълум мажбурият ва ка-фолатлари ўз зиммасига ола-ди. Ҳўжалиқлар ана шу шартно-мани бажариш устида иш-лайди, давлат эса, ўз навба-тида, шартнома бўйича ўзин-нинг мажбуриятларини аниқ бажариши — ҳўжалик ёки фер-мерни техника ва минерал ўғитлар билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни со-лит олиши, шартнома асоси-да топширилган ҳўжалик бил-дан оилавий пудрат ва ўз вақти-да тулани керак.

Бу ўринда муаммонинг бошқа бир жиҳати киши эътиборини ўзига тортди. Шўро даврида давлат манфа-атлари доимо ҳамма нарсадан устун бўлиб келган. Ана шу эски асорат таъсири туфайли бугунги кунда ҳўжалик билан тузданган контрактация шарт-номасининг бажарилишини текширувчи ноизрлар қара-дан ортиқ даражада қўлайиб кетган. Давлат ҳўқимини ва давлат тузилмаларининг ҳўқимликлардан тортиб тек-ширувчи органларга — ҳам-маси шу иш билан банд.

Лекин, айтинганлар-чи, ик-кинчи турдаги — ҳўжалик бил-дан оилавий пудрат вақиди ўртасида тузданган шартно-манинг сўзсиз бажарилиши-ни ким назорат қилади? Бу савол замирида кўп масала бор.

Ҳосилнинг таққийри, яъни биз керакли микдордаги гал-ла, пахтага, бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига эга бўламизми, йўқми — бу мас-ала айнан ана шу шартно-маларнинг бажарилишига, бир томондан ҳўжалик — ширкат, иккинчи томондан эса пуд-ратчи ўз зиммасига олган ба-рача мажбуриятларини туғил адо этишига боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда шартноманинг муноса-батларининг айни мана шу шакли энг муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳў мехнати бил-дан ҳосил етиштирадиган одамларнинг иқтисодий ман-фати ва рағбатини айни мана шу омил белгилайди, десаю, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу боғи бугун ҳўжалик-даги ички шартномаларнинг ба-таллашига ҳўжақўрсини учун, кўрмқ расмийчилик билан қарамаслик керак. Пуартир-ларнинг шартномани мажбу-риятларнинг маъмуни ва аҳамиятини билмаслиги, уларнинг бажарилишини етар-ли даражада назорат қилмас-лик каби ноҳоз ҳўдаларга асло бепарқ бўлмаслигимиз керак.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайтидан лавҳалар. Абувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

Абдуллоқ Фиждудоний — 1103-1179



Субхидам

Не бахти, юртимизга Оллоҳнинг марҳаматли назари тушган. Шу боис, бу юртни наинки фозиллар ва орифлар, жумладан, авлиёлар ватани, деб атайдилар. Ана шундай алломалардан бири Хожа Абдуллоқ Фиждудонийдир. Бул зот Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Ясавий, Наҳмиддин Қубро сингари шарқнинг буюк мутафаккирлари қаторида туради. Фиждудоний ҳазратлари Хожаи жаҳон, деган шарафли унвон соҳиблари эдилар. Шунингдек, Хожани тож ул-орифин, шайх ул-машойих, кутб ул-авлиё, султон ул-шайх, дея улуғлардилар.

Хожа Абдуллоқ Фиждудоний бутун умри давомида амри маъруф орқали одамларни яхшиликка даъват этди, толиби илмларга Оллоҳ фарзи ва пайғамбар суннатида таълим берди. Фиждудонийнинг идеали комил инсон мартабаси эди: ўзининг муттасил руҳан тазалаб борсанг, нуқсонларингдан халос бўлсанг, нафсингга қў бўлмасанг, бировга зулм қилмасанг, гуноҳ ишларга қўл урмасанг, хамиша покиза юрб, тоат-ибодатда бўлсанг, савоб ишларга бел боғласанг, бас, бу дунёдан беармон утажаксан. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларини ҳам Хожа Абдуллоқ Фиждудонийнинг муқаддас руҳи парвариш этган эди. «Даст ба кору дил ба ёр» — «қўлинг меҳнатда бўлсин, дилинг Оллоҳда бўлсин», деган ҳикматли ўғтининг тамал тошини Абдуллоқ Фиждудоний қўйган эди.

Бизга Абдуллоқ Фиждудонийдан «Одоб тарикати» («Рисола соҳибия»), «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» каби ноҳид китоблар мерос бўлиб қолди. Бу асарлар то ҳануз ўз қадрини йўқотгани йўқ, тўққиз асрдан кейин ҳам маърифат истовчиларга маънавий озиқ бериб келмоқда.

Фиждудондан таралган ЗИЁ

Абдуллоқ Фиждудонийнинг бир ўғти бор эди. У зот шоғирларига сафар дар ватан — ватан ичра сафар қилинган, дея насиҳат айтарди. Бу насиҳат туртки бўлиб Фиждудонга отланди. Келаси йили Ҳазратнинг таваллудига 900 сана бўлади. Бугунги Фиждудон нечук экан? Туйга тайёргарлик бошланганми? Хожа отанинг сокин бўлган ерлари қай аҳволда?

Фиждудонга жума кунини етиб келдик. Бузуқворнинг қабри шаҳар марказида, Жоме масжидининг ёнида эди. Масжиддан чиққан намозхонлар Хожаи жаҳон хоки пойини зиёрат қилиш билан овора: биров тошқуддан сув олиб, атрофдаги қабрга узади, акко отахон қабрга қараб пичирлаб ўтирибди, уч-тўрт аёл Хожанинг волидаси ҳаққига дуо қилаётти.

Одамлар суйраклашди. Масжид имом хатиб Фохриддин Ражабов билан валулоқ қабрининг пойига, тошқудқ ёнидаги курсига чўкди. Фохриддин қурьон тиловат қилди. У қироат қилаётгани меннинг кўз ўнгимда Фиждудонийнинг ҳақ йўлидаги суронли ҳаёти гавдаланди.

Хожа Абдуллоқ Фиждудонийнинг отаси асли румлик эди. У зотини Мавлоно Абдуллоқ деб улашдилар. Зоҳирий ва ботиний илмларда алломани даврон эди. Масжидда имомлик қилар, толиби илмларга дунёвий ва илоҳий илмлардан таълим берарди. Бир кун у зотнинг тушуига Хизр алайҳиссалом кириди ва баҳорат қилдики, «Эй Абдуллоқ, фурсатини бой бермай Бухорога борайсен, Фиждудон деган мавзуда нашр нам тоққайсен. Сендин бир фарзанди аржуманд дунёга келгай, анинг исмини Абдуллоқ қўйиб, охираг савобини топқайсен».

Абдуллоқнинг ишорати гаёй ила Фиждудонга кўчи келди. Фарзандлик бўлди. Унга Абдуллоқ деб кут-

ЗИЁ

луг исм берилар. Абдуллоқнинг сийнаси-га бола кезиданқ илоҳий бир нур инган эди. У тўққиз ёшида Қурьони Каримни ёд олади, ўн ёшига етганда Бухорога келди ва раҳимона деб тафсири илмининг султони Имом Садриддиннинг этагини тутди. Бир неча йил заҳмат чекиб, тафсири илмини мукамал эгаллади.

Шарқ сўфийларининг сардори Шайх Юсуф Ҳамадоний Бухорога таширф буюрганда у зотнинг даргоҳига бориб бош уради. Абдула Барқий, Ҳасан Андоқий, Аҳмад Ясавий сингари савоблар билан бирига гоҳ Бухорода, гоҳ Самарқандда пир хизматини адо этди. Устод қўлидан шайхлик ирқасини қийди. Сўнг қиёматлик дусти Хожа Аҳмад Ясавий билан биргаликда Бухорода хонаҳоқ очди, сўфийлик йўлини танлаган муридларга илми ҳол — тасавуфдан савоб берди.

Икки йил Фиждудоний хожагонлар тарикатига асос солиди. Валлиқнинг етти поёсини босиб ўтиб, соҳибий қаромат мақомига эришди. Энди Ҳазратни Мағрибул Машриқда султон ул-машойих дея таърифлай бошладилар. Фохриддин тиловатни тутгай. Эл-юртга тинчлик, хонадонларга кут-баракат, мўминларга саломатлик тилаб дуо қилди. Яна зиёратхонни айландик.

Абдуллоқ Фиждудоний 1179 йили вафот этган эди. У киши оналарининг оёқ томонига қўйилган. 1433 йили Мирзо Улуғбек Фиждудоний ҳазратларини шарафли мадраса бино қилдириди. Хилхона ана шу мадраса рўйрасида. Бугунги кунда у паҳрача билан ўралган. Хилхона атрофи саранжом-саршута, лекин унинг усти очки, ёғин-соқинчида қабрини не қўйга тушишини тасаввур этиш мумкин. Бу ерга чорқорқина бўлса-да, битта айвон даркор экан.

Абдуллоқ Фиждудонийнинг сўфийлик тарикатидаги пири Хожа Юсуф Ҳамадоний эди. Фиждудоний устоз вафотидан кейин унга атаб «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» номли рисола битди. Рисолада ўз даврининг етук олими Ҳамадоний ҳазратларининг ажиб хислатлари баён этилади.

Устоз таърифиди

Абдуллоқ Фиждудоний эъзоди: «Шайхимиз ўттиз саккиз марта пайда ҳақ қилган эдилар. Қурьонини минг марта қироат билан ўқитган эдилар. Саккиз минг бутпарастни муслмон қилган эдилар. Муборак юзлариди чечакдан қолган доғлар бор эди. Соқоллари узун эди. Қўзил юзди, бадалари озгин эди. Кўп сафар қилар эдилар. Либослари жуанд эди. Емишлари арпа ва жўхори унидан қилинган таом, ўсимлик мойи эди. Биродан ҳеч нима сўрамас эдилар. Етмиш ёшга етиб уйланмаган эдилар.

Шайхимиз Хизр алайҳиссалом билан суҳбатдош эдилар. Овозлари ёқимли, бўйлари ўртча, бармоқлари узун эди. Табассум қилиб сўзлардилар. Пиёда йўл юрардилар.

Ўзлари яшаб турган Гонфур маҳалласида Жоме масжиди бор эди. То унга етгунча Қурьон ўқиб борардилар. Масжиддан чиқиб шоғирлари Ҳасан Андоқий ва Аҳмад Ясавийнинг уйига боргунча «Бақара» сурасини хатм қилиб тутатардилар. Бизларга насиҳат қилиб, ҳар бир нафас олинганда хўшёр бўлинглар, бостан қадамингизга қараб юринг, ватан ичра доим сафар қилинганлар, дер эдилар.

Ҳеч кимга лаянат ўқимас эдилар. Камгап эдилар. Мактаб очиб, талабаларга дарс берардилар. Гийҳларни азиз тутардилар, ўсимликлардан дори тайёрлаб, муҳтожларга тарқатардилар.

Маҳмуд ХАСАНИЙ таржимаси.

Авлиёи Кабирга насихат

Бир кун пири комил бозорга бориб гўш харид қилди. Қараса, ёнида бир йигит тазлим қилиб турибди. — Хожа отамиз ижозат этсалар, бозорлигини уйларига элтиб берсам, деган ниғтаман... Шайх рўйхўшлик бермади. Йигит ёлвориниша ўтди: — Бул зотнинг хизмати адо эт, деб Олло таоло ва таборақ қўнғилига солди, йўқ деманг, Хожа ота... Фиждудоний ноилоҳ қолди ва қўнғилига юқини бегона йигитга топширди. Икковлон Хожанинг уйига келидилар. — Бирор соатдан сўнг марҳамат қилинг, ўзим, — деди Хожа, — биргаликда таом егаймиз.

Йигит мударатидан аввал етиб келди. Бу навуқоннинг одоби-иқроми, фаросати Шайхга маъқул тушди. Шу бўйи йигит Абдуллоқ Фиждудонийга савоба фарзанд — тутинган ўғил бўлиб хонадонда қолиб кетди. Валиудлоҳдан зоҳирий ва ботиний илмларни ўрганиб, йигит камол касб этди, Фиждудонийнинг иккинчи халифаси мартабасига эришди. Пири муршид унга Хожа Авлиёи Кабир деб тахаллус берди.

Кўйида сиз ўқийдиган насихатлар ана шу Авлиёи Кабирга бағишлаб ёзилган «Одоб тарикати» рисоласидан олинди. ЭЙ ўғлингман, сенга насихат қилайин, такво (парҳез)нинг ўзинга тумор қилиб ол. Ибодат вазибаларини доимо бажар. Ўзингга ҳаммаша кузатуви бўл. Илим излашдан бир қадам ҳам узоқлашма. Сармонг илм олмоқ, либосинг фақир (одми), дилинг ҳалим бўлсин.



Саъдулла СИЁВ тайёрлади.

Эзгу умидлар билан...

Маълумки, 1997 йилнинг август ойида Олий Мажлис сессиясида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг стратегик йўналишлари белгилаб берилган улгувор ҳужжат — Қарорлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Шу асосда мамлакатимизда катта ишлар бошланиб кетди. Жумладан, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари каби янги таълим муассасалари тизими пайдо бўла бошлади.

Худди ўша йили Тошкент тўқимачилик ва етил саноат институти қошидаги лицей-интернат ҳам академик лицей мақомини олди. Ўқув юртида фақат пешлавача янгиламади, балки бу ердаги ўқув-тарбиявий фаолият асосидан ўзгартирилди. Янги моддий-техник база, янги ўқув режалари, дарсликлар, ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш, лицейга ўқувчиларни танлашда ҳам уларнинг иқтидорини синовдан ўтказиш... Булар бари ана шу ўзгаришнинг айрим тамойилларидир.

Кўпгина Унинг бағрида ўқиб насиб этган иқтидорли ёшлар аниқ фанлар, табиий фанлар ва иқтисодий фани йўналишида чуқурлаштирилган билимга эга бўладилар. Шу босқанда ишчи кўнларда бу академик лицей оstonасини эзгу умидлар билан ҳатлаб ўтиб, ҳужжат топшираётган ёшлар оз эмас. — Академик лицейимизга барча вилоятлардан энг иқтидорли, илм-фанга чанқоқ ёшлар қабул қилинади, — дейди биз билан суҳбатда академик лицей раҳбари Ҳамид Исев. Улар ётоқхоналар билан таълим этилади. Иттиҳонлар куйидаги: математика, физика, химия, биология, тарих, чет тиллардан тест синовлари бўлади, она тилидан эса ёзма иш олинади. Ҳужжатлар 25 июлда қабул қилинади. Қабул синовлари 2-5 август кўнларида ўтказилади.

М. САФАРОВ.

Абитуриент — 2002

Сени Ватан кутади

Айни кўнларда барча олий ўқув юртиларида тигиз палла. Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш, кириш имтиҳонларига тайёргарлик бўйича фанлардан ўтказилаётган машғулотлар, тест синовлари ўтадиган аудиторияларни тайёрлаш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Тошкент Педагогика тиббий институти ҳовлиси ҳам шу кўнларда ҳар қачонгидан гавжум. Ахир бу олий ўқув юртига кириш орсудида юрган ёшлар озамунча дейсизми?

Ховли саҳнидаги қилқиз анвойи атиргулларини ораб «Қабул қийгити» деб ёзилган эшикдан кирганингизда, дастлаб маълумотлар столига қўйишга тушади. Муҳими, бу ерда ҳужжатлар топшириш учун навбатда турганларни кўрамайси. Бонис педагогика, тиббий-педагогика факультетлари ҳамда олий ҳам-ширавлик бўлимига ҳужжатлар алоҳида-алоҳида қабул қилинади. Махсус консултантлар ҳар бир йўналиш бўйича абитуриентларга маълумотлар беришади. Фаранди ҳужжатларини топшириб бўлгунча қадар ота-оналар шу ерининг ўзида махсус тайёрланган дам олиш бўғимига телевизор томоша қилишлари, ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш 20 июндан бошланган бўлса-да, аслида тайёргарлик ишлари анча илгаридан тахсиллаб олинган, — дейди тиббий-педагогика факультети декани, қабул ҳайъати аъзои Нурриддин Гоноров. — Тест имтиҳонлари бўлганидан биология, химия, ўзбек тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти) фанлари бўйича алоҳида машғулотлар мунтазам олиб борилади.

Эслатиб ўтамиз: бу йил Тошкент Педагогика тиббий институтига 540 нафар талаба қабул қилинади. Унга даврда институтда педагогика соҳасининг барча йўналишлари бўйича 18 мингга яқин юқори малакали му-тахассислар тайёрланади, — дейди маскўр илм даргоҳи маънавият ва маърифат масалалари бўйича 1-проректори Сунитилло Асомов. — Қарлар тайёрлаш миллий дастури ва Давлат таълим стандартлари табиғат мувофиқ тиббий институтларда етти йиллик тахсил муддати белгилашган.

Институтда касбий таълим дастурининг узлуқсизлиги таъминланган. Ҳозирда билим даргоҳи кўнли академик лицей фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу йил унинг илм биттувчиларини турли мутахассислар бўйича гувоҳномадан олишди. Шунинг асосида таъкидлаш жоизки, 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб институтда жарроҳлик, акушерлик, реанимация соҳасида ишлашга ихтисослашган олий маълумотли ҳамширалар тайёрлана бошланди. Яқиндагина дастлабки биттувчиларга бақалар дипломлари топширилди.

Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўйича яратилган муҳит талабаларнинг ишти ёстелди ва қобилият қирраларини намойиш қилишларига кенг йўл очиб бермоқда. Талабалар орасида Президент стипендияси, Ибн Сино номидати стипендия, нодавлат жағмарлар жорий этган стипендия соҳиблари бориши фикрининг дилдилар. Олий ўқув юрти Жабурий Корейнинг Ёнсей университети билан анчадан бун халқор ҳамкор. Маскўр университет стипендиялари ҳам белгиланган. Шунингдек, ҳамкорлар янги кутубхона ташкил этиб, интернетга уланган компьютер хоналари жорий қилишди. Чунки бутунчи кунда олий таълим тизимининг барқарор ривожланиши, талаб қилинаётган таълим сифати ва даражасини таъминлаш кўп жиҳат-

дан информасион ҳамда моддий-техник базани мустаҳкамлашга боғлиқ. Институт компьютер парк кийинги икки йил ичда замонавий Pentium русумдати компьютерлар билан янгилади. Илгор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда компьютерлаштириш бўлимларидан ташкил топган марказ фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда 30 фан бўйича лицензияштирилган мультимедиа дастурлари олинган бўлиб, иккита фан амалий машғулотлари бўйича электрон версия бевосита институтнинг ўзида яратилди. Ўзбек тилидаги маъруза маттираларини электрон версиялари ҳам мавжуд. Республикада қабул қилинган соқинчи сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури асосида олиб борилаётган ишловлар тиббий зиямат қўлани ва даражасини янги босқичга кўтарини, мислтан тегафондини яқинлаш, ҳалқ савоматининг мустаҳкамлашда масъулияти вазидаги бажаришини тақозо этиди. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар муаммоларини ҳал этишга янгица ёндашиш, янгица фикрлашни шакллантирати, уни мазмун ва моҳият билан бойитиш барчамизнинг келгуси авлодинг ҳам муқаддас бурчилар. Шу маънода институт оstonасига яхши ниёт билан қадам қўйган абитуриентларга омад ёр бўлсин, деймиз.

Умида ФАЙЗИЕВА, «Жалқ сўзи» мухбири.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси

Сурхондарё Вилоят филиали

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги 13-сон қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси билан қуриладиган ва таъмирланадиган кўйидаги ишоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

- ЛОТ-1. Шеробод тумани, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида «Занг» каналдан 1,5 м3/сек. сув олувчи насос қурилмасини қуриш. Ишларни якунлаш муддати — 2002 йил, 31 декабрь.
ЛОТ-2. Шеробод тумани, «Талашхон» ширкат ҳўжалигида «Занг» каналдан 1,5 м3/сек. сув олувчи насос қурилмасини қуриш. Ишларни якунлаш муддати — 2002 йил, 31 декабрь.
ЛОТ-3. Шеробод тумани ҳўжалигида 57 та тик қудўқ қуриш. Ишларни якунлаш муддати — 2003 йил, май.
ЛОТ-4. Музрбод тумани, А.Набиев номили ширкат ҳўжалигида 338,7 га сугориладиган ерларни таъмирлаш. Ишларни якунлаш муддати — 2005 йил, сентябрь.
ЛОТ-5. Музрбод тумани, «Навоҳор» ширкат ҳўжалигида «Занг» каналдан 0,5 м3/сек. сув олувчи насос қурилмасини қуриш. Ишларни якунлаш муддати — 2002 йил, 31 декабрь.
ЛОТ-6. Қизилқум тумани, «Янгийўл» ширкат ҳўжалигида 1,5 м3/сек. Қизилқум — III қўтарма насос қурилмасини қуриш. Ишларни якунлаш муддати — 2002 йил, 31 декабрь.
ЛОТ-7. 14,79 км. масофадаги ҳўжалиқлар Қора-арик канални таъмирлаш.
ЛОТ-8. Ишларни якунлаш муддати — 2002 йил, 31 декабрь.
ЛОТ-9. Жарўқон тумани, «Аму-Занг» канал бўйида 110 га янги ерларни ўлаштириш ва 365 га сугориладиган ерларни таъмирлаш. Ишларни якунлаш муддати — 2003 йил, декабрь.
ЛОТ-9. Жарўқон тумани, «Бўстон» ширкат ҳўжалигида 232,9 га сугориладиган ерларни таъмирлаш. Ишларни якунлаш муддати — 2003 йил, 31 декабрь.
ЛОТ-10. Бойсун тумани, «Бойсун» ширкат ҳўжалигида 154 га янги ерларни ўлаштириш ва 360 га сугориладиган ерларни таъмирлаш. Ишларни якунлаш муддати — 2003 йил, ноябрь.
ЛОТ-11. Бойсун тумани, «Работ» ширкат ҳўжалигида томчилатиб сугориладиган 301 га янги ерларни ўлаштириш. Ишларни якунлаш муддати — 2005 йил, октябрь.

Буортомчилик: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги 13-сон қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси. Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 3-56-50, 3-51-32, факс: 2-70-83.

Курилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ташкилот ва корхоналар етарли касбий ва техниквий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лавқалик қоридик ҳўқуққа эга, тахрибали ва ишоничли бўлишлари шарт.

Савдода китишгани ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Сурхондарё вилоят филиалига кўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 14-уй. Тел./факс: (8-37622) 2-75-01, 2-75-04.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соати.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин кўйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй (3-қават).

Ривоят ОҚ ЛИБОСЛИ ЭРАНЛАР

Абдуллоқ Фиждудонийнинг бу олами тарк этганига 332 йил бўлган эди. Мелодий 1512 йили Эрон ҳўқмоори Шоҳ Исмоил Сафавий Мовароуннаҳрни босиб олишга киришди. Юз минг кишилик лашкари билан Жайхунни кечиб ўтди. Турк элининг вилоятларини бирма-бир забт эта бошлади. Шоҳ Исмоил шиа маҳзабига мансуб эди, шу боис суннийларни қўргани кўзи йўқ эди. У азиз-авлиёлар мазорини бузиб, оёқости қилди, ҳанафия маҳзабига итоат этувчиларни қиличдан ўтказди.

Ниҳоят, Шоҳ Исмоил отининг бошини Фиждудонга қараб бурди. Хожаи жаҳон Абдуллоқ Фиждудонийнинг юксак рутбаси ҳар кун зиёратчилар ила гавжум турбати унга тинчлик бермасди. Азим қўли билан Фиждудонга етиб келди ва шаҳар қалъасини қамал қилди. Шаҳар таслим бўлса, Фиждудонийнинг муборак қабрларига ҳам шикаст етиши тайин эди.

Не бахтки, ўша кўнлари мўъжиза рўй берди. Тонг саҳар қалъа дарвозаси очилиб, оқ от минган, оқ либосли бир неча киши ташқарига чиқди. Уларнинг олдига оппоқ соқоллини селқиллатиб қизил юзли басавлат бир нуруний келарди. Отахоннинг қўлида Ҳазрат Алининг қиличчини эслатувчи учи айри шамшир. Қария қиличчини ёв томонга ўқталиб нимадир дерди. Сафвийлар нуруний зотнинг ҳайбатидан таҳликага тушдилар. Қўллари садоққа етмай титрар, отлари қишнаб осмонга сапчирди. Алал-оқибат улар ортларига қараб, тум-тарақай қоча бошладилар.

Оқ либосли кишилар — гойибдан хабар берувчи авлиёсифат эранлар, қилич тутган қария эса Абдуллоқ Фиждудонийнинг руҳи поклар эди.

«ЖАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОҲОВ Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъл котиб — «Жалқ сўзи»), М. Егоров (масъл котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳидинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худойёров, И. Шогуломов, О. Қашбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхона билан алоқа ва миттақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтати тартиби № 0001 Буортомга Г — 677, 28078 нуسخада босилди, ҳаджи — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Кўпга билими А-2. Газета ИВМ компьютеризация теринал ва операторлар Жамшид ТОВАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳафаланди. Тахририятда ҳаджи 5 қўлдан эида материаллар қабул қилинмайди. □ -Тижорат материал «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Боснига топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 1.00 123456